

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 11-iyun, chorshanba № 46 (15788)

■ Kun voqeasiga nigoh ■

МЕДИА-ТРЕНИНГ—ТАЖРИБА МАКТАБИ



Бўстонлик туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан «Ёш журналистлар» медиа-тренинги бўлиб ўтди. Миллий журналистикамизда кузатилаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари, истиқболли режалар муҳокама этилган мазкур медиа-тренингда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган саксон нафар ёш журналист ва Ҳаракатнинг жойлардаги матбуот хизмати котиблари қатнашди.

Медиа-тренинг ёшларга оид давлат сиёсатининг самаралари тўғрисидаги видеоролик билан очилди. Видеороликда мамлакатимизда биз, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва бунга қобилияти, билим салоҳияти билан жавоб қайтараётган тенгдошларимиз ҳаёти жонли тасвирларда акс этди.

— Аънанавий тарзда ўтказилаётган ушбу медиа-тренинг ёш журналистлар учун мактаб вазифасини ўтайди, — деди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммаджоновна. — Уч кун давомида биз нафақат журналистика соҳасидаги ютуқларимизни эътироф этамиз, балки мавжуд муаммоларни кўрқмай, дадил ўртага ташлаб, уни ҳал қилиш йўлларини излаймиз. Барчангизга бошланажак хайрли ишда омад тилайман!

Медиа-тренинг очилишида, шунингдек, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев сўзга чиқиб, яхши ташаббусларни илгари сураётган «Камолот»га ўз миннатдорчилигини билдирди. Навбат Ҳаракат қошидаги «Етакчи» ёшлар маркази ижрочи директори Нодир Субҳоновга берилди.

ЁШЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАҚИДА

— Биз бу социологик сўровномани ёшларнинг журналистика ҳақидаги фикри, мулоҳаза ва муносабатини ўрганиш учун ташкил этдик, — дейди Нодир Субҳонов. — Сўровномада етти минг нафар йигит-қиз қатнашди. Улар оммавий ахборот воситалари ҳақидаги фикрларини эркин, тортинмай, рўйи рост билдиришди. Бу фикр-мулоҳазалар сизларни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

(Давоми 3-саҳифада)

■ Mahalla va yoshlar ■

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди «Ёшлар тарбияси, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашида, эрта никоҳ ҳамда оилавий низоларнинг олдини олишда маҳалланинг вазифалари» мавзусида матбуот анжуманини ўтказди.

Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви мутасаддилари, ҳамкор ташкилотлар, фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

ОИЛА, МАҲАЛЛА ВА ЎЛМАС ҚАДРИЯТЛАР

Тадбирда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, аънана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, замонавий касб-хунар эгаллашига қўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз борди.

Шунингдек, унда болалар ва ўсмирларни турли тўғаракларга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида маҳаллаларда, ўрта махсус, касб-хунар ва умумтаълим муассасаларида ўқувчи-ёшлар учун санъат, спорт ва касб-хунар тўғараклари фаолияти йўлга қўйилганлиги таъкидланди.

Шахло АБДУҚАЮМОВА,
«Turkiston» муҳбири

МУҚАДДАС МАСКАНИМ — ОИЛАМ, ВАТАНИМ!

Ҳарбийлар. Биз бу касб эгаларини юрт посбонлари сифатида яхши биламиз. Улар нафақат ҳимоячимиз, балки намунали оила бошлиқлари ҳамдир. Қолаверса, санъатда ҳам, актёрлик маҳоратида ҳам, интеллектуал жиҳатдан ҳам ўрнакка муносиб. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган «Намунали ҳарбийлар оиласи» кўрик-танловининг якунловчи босқичида ҳарбийларнинг ана шундай серқирра истеъдодларига гувоҳ бўлдик.



Мудофаа вазирлиги кўшинларида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловда қуйи босқичларда ғолибликни қўлга киритган еттига ҳарбий оила иштирок этди. Очиғи, уларнинг ҳар бир шарт бўйича тайёрлаб келган чиқишлари томошабинларни қойил қолдирди. Гарчи танлов иштирокчилари ҳарбийлар оиласи бўлса-да, оила аъзоларининг қизиқишлари ранг-баранг. Бири спортчи, бири санъаткор, яна бири шифокор. Бу эса, танлов шартларининг янада қизиқарли чиқишини таъминлади.

Дастлаб иштирокчилар «Ватан тараққиёти оиладан бошланади» деб номланган таништирув шартида шеър, кўшиқ ҳамда сахна кўриниши орқали ўзлари ҳақида тўлиқ маълумот беришди. Ўзига хос актёрлик маҳоратини талаб этувчи танловнинг иккинчи — сахна кўриниши шартида

оиланинг жамиятда тутган ўрни, фарзанд тарбияси, оилавий муаммолар ва уларнинг ечимига ҳам алоҳида урғу берилди. Сўнгги шартда ҳарбий оилалар миллий урф-одатларимиз, буюк аجدларимиз ҳаёти ва ижодидан нечоғли хабардор эканлиги ҳамда ҳуқуқий ва тарихий мавзудаги билимлари синовдан ўтказилди. Тезкор ва мантиқий савол-жавоблар

асосида олиб борилган ушбу шарт иштирокчиларнинг қай даражада зукко эканлигини кўрсатиб берди.

Қизиқарли ва мазмунли беллашувлар якунида Сирдарё вилоятидаги ҳарбий қисмларнинг бирида хизмат қилаётган сержант Ихтиёр Икромов оиласи танлов ғолибига айланди. Иккинчи ўринга шимоли-ғарбий ҳарбий округдан келган кичик сержант

Ҳамиджон Бекмуродов оиласи, учинчи ўринга эса жануби-ғарбий махсус ҳарбий округдан иштирок этган капитан Жаҳонгир Фармонов оиласи муносиб деб топилди.

— Танлов шартлари жуда қизиқарли бўлди, — дейди Икромовлар оиласининг бекаси Гулнора Икромова. — Ҳар бир оила ғолиблик учун курашди. Бироқ сўнгги шартда бироз устун келиб, ғолиб бўлди. Аслида ушбу танлов ғолиблик учун эмас, балки намунали ҳарбий оилаларни бирлаштирувчи, улар ҳаётдан ҳикоя қилувчи учрашув майдони сифатида ташкил этилгандек. Танлов жараёнида мана шу майдонда кўлаб ҳарбий оилалар билан учрашиб танишдик, дўстлашдик. Сахна кўриниши шартида эрта турмуш, бола тарбияси ҳамда гиёҳвандлик

иллатининг оқибатини кўрсатиб бердик. Бизнинг оилада санъатга бўлган иштиёқ катта. Кенжа ўғлим Бобуржон санъаткор бўлмоқчи. У бугунги танловда «Сержант бўламан» кўшигини куйлаб чиқди. Қизим Ниғора эса рақс тушишга қизиқади. Тўнғич ўғлим Абдорбек таэквондо билан шуғулланади. Буларнинг барчаси Президентимизнинг биз, ҳарбийларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги туфайлидир.

Беллашув сўнгида ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, «Энг болажон ҳарбий оила» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мухиддин Киргизов оиласи, «Миллий урф-одатлар тарғиботчиси» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Мирсаид Дўстматов оиласи, «Энг билимдон оила» номинациясида сержант Отабек Шерматов оиласи, «Энг яхши актёрлик маҳорати» номинациясида шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Хусниддин Холиқов оиласи Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг фахрий ёрлиқ, диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири.
Баҳром Абдурахимов
олган суратлар.

«Yosh tadbirkor — yurtga madadkor»

ТРЕНЕРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Шаҳрисабз туманидаги «Лочин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёш тадбиркорлар тренерлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда йигирма нафар ёш тадбиркор тренер иштирок этди.



«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази ташаббуси билан ташкил этилган ўқув машғулот ҳудудий бизнес тренерлар сафини янада кенгайтириш, ёшларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, улар орқали кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб беришга хизмат қилди. Семинарда «Бизнесни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш», «Тижорат банкларининг кредит сиёсати», «Бизнес режа ёзиш талаблари», «Кичик бизнесни солиққа тортиш муаммолари», «Савдо-саноат палатасининг кичик бизнесга ёрдам бериш имкониятлари», «Кичик бизнесда технологияларни топиш, олиб келиш ва сотиб олиш шартлари» ва тренерлик маҳорати каби мавзулар

да амалий машғулотлар олиб борилди. Айниқса, республика «Ёш тадбиркор» консультатив маркази тренери Алишер Исломов олиб борган семинар-тренинг иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Вилоятнинг барча туманларидан келган кўнгилли тренерларнинг ўз ҳудудларида йўлга қўймоқчи бўлган бизнес фаолиятларига алоҳида тўхталиб, зарур кўрсатмалар берилди. Шунингдек, ҳар бир иштирокчининг қандай бизнес режа асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи эканлиги борасида таҳлилий машғулотлари ўтказилди.

— Энди туман ва шаҳарларимизда ҳам «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координаторлари фаолият кўрсатади, — дейди «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координато-

ри Адҳам Тоҳиров. — Улар вилоят «Ёш тадбиркор» консультатив маркази қошида ташкил этилган «Ёш бизнес тренерлар» клубида ҳар ҳафта молия ва солиқ бошқармалари, тижорат банклари, савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлими, вилоят прокуратураси каби тадбиркорлик соҳасига алоқадор ташкилотлар мутахассислари иштирокида ўтказиладиган семинарлар орқали билим ва тажрибаларини мустаҳкамлаб боришади.

Семинар сўнгида «Менинг бизнес гоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловларини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш бўйича жойлардаги тренерларга зарур кўрсатмалар берилди.

Шоҳида ЭШМАМАНОВА,
Қашқадарё вилояти

«Kamolot» loyihalari

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонасига қарашли «Ҳидоят» соғломлаштириш марказида меҳнат жамоаларидаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари аъзолари ўртасида мини-футбол бўйича «Камолот» кубоги республика турнирининг шаҳар босқичи ўтказилди. Мусобақа Урганч шаҳар ҳокимлиги, Ҳаракатнинг шаҳар кенгаши, вилоят футбол федерацияси, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш бўлимлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

«АЛОҚАБАНК» турнир ғолиби

Турнирда шаҳар ҳокимлиги, Давлат солиқ инспекцияси, «Ипотекабанк», «Ҳамкорбанк», «Микрокредитбанк», «Алоқабанк»нинг вилоят филиаллари, вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси, онкология диспансери, Урганч электр таъминоти, Урганч халқаро аэропорти, «Урганчшаҳаргаз», «Урганчтрансгаз», «Дори-дармон» ва бошқа корхона-ташкilotларнинг жамоалари иштирок этди.

Финалда «Алоқабанк» ва Урганч халқаро аэропорти ёш футболчилари майдонга тушишди. Муросасиз ўйинда банк ходимларининг қўли баланд келди. Урганч халқаро аэропорти жамоасига иккинчи, Урганч шаҳар ҳокимлиги жамоасига учинчи ўрин насиб этди. Ғолибларга «Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Сардор ПОЛВОНОВ,
«Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши
етакчи мутахассиси



МЕДИА-ТРЕНИНГ — ТАЖРИБА МАКТАБИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Медиа-тренингда «Республикамизда ёшларга оид давлат сиёсати ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситаларидаги ютуқлар, муаммо ва камчиликлар» мавзuida давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат бахс-мунозараларга бой бўлди.

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК БУ — МУЛОҚОТ

— Бугун журналистикага янги чехралар керак, — дейди «Жеткинчек» газетаси муҳбири Женгисгул Ибодуллова. — Агар ахборот кўзгуси — газета, телевизор, радио, интернетга қарасак, бир хил чехраларни кўрамиз. Улардан бошқа спортчи, ижодкор, тadbиркор йўқми, дейсан, киши. Ваҳоланки, атрофимиз тўла қаҳрамонлар. Ҳали биз кириб бормаган, тўла ёритолмаган соҳа фидойилари, мутахассислари кўп. Улар қўлга киритаётган ютуқлар эса таҳсинга лойиқ.

— Бугунги ўқувчи, томошабин оддий ўқувчи ёки мухлис эмас, улар журналистдан самимий руҳда ёзилган таҳлилий мақолалар кутади, — дея сўз олди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси Ёқутхон Маматова. — Шундай экан, улар дидига мос публицистик асарлар ёзиш, жамиятда ва дунёда юз бераётган воқеликларни ўз вақтида ёритиб боришга ҳаракат қилайлик.

Давра суҳбатида «Андижон» газетаси бўлим мудирини Нурулло Ниғмонов асосли, кишини ўйлантирадиган гапни айтди.

— Ахборот «жунгли»сида компасни топиш жуда қийин, — дейди у. — Чунки ахборот шундай чексизки, унинг ҳаққоний, ҳолисини ажратиш кишидан кенг билим ва дунёқараш талаб этади. Бунинг боиси журналистика кенгликларидан айрим манфаатларнинг аралашувидир. Агар журналист вазиятни тўғри кўз би-

лан баҳолаб, ёритса, ўз вазифасини яхши бажарган бўлади.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Медиа-тренингда устоз журналистлар, суҳандонлар ҳам иштирок этиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Уларнинг маҳорат дарсларида ёш журналистлар бошловчи нутқи, унга қўйиладиган талаблар ҳақида кўпроқ маълумотлар олди.

Янги кун янги ташаббус ва лойиҳалар билан бошланди. Ёш журналистлар, Ҳаракат қошидаги матбуот хизмати котиблари тўртта — телевидение, радио, матбуот ва интернет шўъбаларига бўлинишди.

«АКС-САДО»НИНГ АКС-САДОСИ

Телевидение шўъбаси иш-

— Ёшларга оид теледастурларнинг мониторинги олиб борилиб, оммавий ахборот воситаларида доимий эълон қилинса, нур устига нур бўларди, — дейди «Ёшлар» телеканали муҳбири Муаттар Асадова. — Шунингдек, энг яхши ахборот манбалари телеканалларда бепул реклама қилинса, оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом рақобат муҳити пайдо бўлади.

«ИФТИХОР»НИНГ ИФТИХОРИ

Радио шўъбаси ўз жамоасини «Ифтихор» дея номлади. Мазкур шўъбада радиожурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари, ёшлар масаласини ёритишда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида сўз борди. Шўъба тренери, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари

масҳқларини ўргатди. Сўнг ёшлар мавзусини ёритишда босма нашрларга қўйиладиган талаблар бўйича маълумотлар берди. Соҳада журналистларнинг малакасини ошириш тизимини яхшилаш зарурлиги таъкидланди. «Медиа-тренинг резолюцияси»га таклифлар ишлаб чиқилди.

«Интернет» шўъбасида интернет ва фуқаро журналистикаси ҳақида сўз борди. Интернетнинг бошқа ахборот воситалари билан рақобатда қандай усул ва йўллардан фойдаланаётгани ҳақида тушунтирилди.

Шўъба ишлари иккинчи кун ҳам давом этди.

Оромгоҳнинг «Маданият зали» байрамони безатилган. Ҳар бир шўъба ўз жамоаси ҳақида тақдимот ёки саҳна кўринишини тайёрлаши керак. Энг яхши чиқишлар муносиб рағбатлантирилади.

«Акс-садо» жамоасининг ток-шоуси, «Ифтихор»нинг ажойиб тақдироти, «Мэтр» жамоасининг «Суюнчи» фильмидан лавҳасию «YOSHnet»нинг «Ғала-ғовур» пьесаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ҳакамлар ҳайъати «Акс-садо»нинг чиқишини биринчи ўринга лойиқ, деб топди.

Биз медиа-тренинг иштирокчилари фикри билан қизиқдик. Қани, ким қандай таассурот олди?

Саида Равшанова, Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси, тренер:

— «Ёш журналистлар» медиа-тренингда нафақат оммавий ахборот воситаларини таҳлил қилдик, балки ўз таклифларимизни ишлаб чиқдик. Мавжуд камчиликларимиздан хулоса чиқардик. Тоғ этагидаги ёш журналистлар учрашувидан ўзимиз учун кўп хулосалар чиқардик.



тирокчилари Ўзбекистон миллий университети журналистика факультети ўқитувчиси Беруний Алимовдан ёшлар масалаларини ёритишда тележурналист имижини ва услуби ҳақида маълумотлар олди. «SWAT» методи асосида таклифлар ишлаб чиқилди. Унда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида «Суҳандонлар мактаби»ни ташкил этиш ва ёшлар ўртасида оммалашган медиа маҳсулотларни www.Ziyonet.uz таълим порталида жойлаш лозимлиги таъкидланди.

университети халқаро журналистика факультети ўқитувчиси Ирода Исмоилова «Замонавий радиожурналист чизгилари» мавзuida интерактив дарс ўтди.

Шўъбада қатнашчилар радиобошловчиликда ўз маҳоратларини синаб кўрдилар. «Матбуот» ва «Интернет» шўъбалари ҳам қизиқарли таклиф ва мулоҳазаларга бой бўлди.

«Матбуот» шўъбаси тренери, Ўзбекистон миллий университети ўқитувчиси Ёқутхон Маматова «Грей» оёқ-қўл

Клара Худойбергенова, Ҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати котиби:

— Медиа-тренингда ўзим учун керакли кўп нарса олдим. Устоз журналистлар билан учрашувлар касбимизга, ишимизга бўлган муносабатимизнинг янада яхшиланишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Медиа-тренингда
«Turkiston» муҳбири
Кумар БЕГНИЯЗОВА бўлди

Кўзгу

Шу мавзуда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан анжуман ўтказилди. Унда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар, нашрларнинг мазмуни, чоп этиш ва тарқатиш сифати, талаб ҳамда таклифлар, қолаверса, келгусидаги режалар атрофида муҳокама этилди.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ТАФАККУР — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқий-демократик давлат ҳаётида қонун устуворлиги, тартиб-қоидаларга риоя қилиш муҳим ўрин тутди. Бунда қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, кодекслар, қомусий тўпламлар, ҳуқуқий-норматив ҳамда ижтимоий-сиёсий адабиётлар муҳим ўрин тутди. Аҳолининг расмий ҳуқуқий нашрларга бўлган эҳтиёжини қондириш ва уларни мазкур нашрлар билан таништиришда «Адолат» нашриёти давлат корхонасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган бу нашриёт мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, кодексларга шарҳлар ҳамда норматив ҳуқуқий-ҳужжатларни расмий нашр сифатида чоп этишга ихтисослаштирилган нашриёт ҳисобланади.

— Қонун ҳужжатларини халқимизга содда ва тушунарли тарзда етказиш мақсадида ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда қонун ҳужжатларига шарҳларни яратиш изчил давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида нашриётимизда 700 дан ортиқ номдаги саккиз миллион нусхадан ортиқ қонунлар, кодекслар, қонуности ҳужжатлари, ҳуқуқшуносликнинг турли соҳаларига оид илмий, илмий-оммабоп нашрлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа турдаги адабиётлар чоп этилди, — дейди «Адолат» нашриёти бош муҳаррири Абдулхамид Омонов.

Умида ИСМОИЛОВА,
«Turkiston» муҳбири

Козим Тожиев:

«МАЪНАВИЯТСИЗЛИК — ТАРБИЯДАГИ НУҚСОН ОҚИБАТИДИР»

«Turkiston» savol beradi» loyihasida «Kamolot» ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши раиси Козим Тожиев иштирок этди. Газетамиз муҳбирига берган интервьюсида у вояга етмаганлар нега ҳуқуқбузарлик содир этаётгани, бугунги ёшнинг ҳаётини позицияси ва мезонлари, 18 ёшда корхона очётган тенгдошларимиз, Навоий эркин иқтисодий индустриал зонасида тузилган бошланғич ташкилот, вилоят кенгашининг янги веб-сайти, бу йил вилоятда неча «Kamolot» уйи қурилиши, коллеж битирувчилари қандай қилиб иш билан таъминланиши ва бошқа масалалар хусусида тўхталиди.

— Навоий вилояти кўп миллатли худуд. Ёшлар билан ишлашда шу хусусиятини алоҳида инобатга олишга тўғри келади-ми?

— Албатта. Эътиборга олмастиклининг иложи ҳам йўқ. Айтилик, Кониমেҳ, Учқудуқ туманлари аҳолисининг катта қисмини қорақалпоқ ва қозоқ миллатига мансуб ватандошларимиз ташкил этди. Зарафшон, Навоий шаҳрида, асосан, русийзабон ва татар юрtdошларимиз ишқорамат қилади. Лекин биз учун ким, қайси миллатга мансублигим мўҳим эмас. Мамлакатимизда ҳамма ёшлар тенг кўрилади. Биз барчасини Ҳаракат сафарига жалб қиламиз. Миллатларро тотовуликни муостаҳкамлашга қаратилган алоҳида лойиҳаларимиз бор. Масалан, яқинда қозоқ ва қорақалпоқ ёшлари иштирокида илк маротаба «Еш дўмбирачилар», «Дустиқ таомлари» танловларини ўтказдик. Зарафшонда «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Жаннатмақон Ўзбекистон» мавзуларида дўстиқ фестиваллари бўлиб ўтди. Навоий шаҳрида «Ёшлар маркази» фаолият кўрсатади. Шу ердаги тўғрақалпоқ аъзолари ҳам турфа миллатга мансуб ёшлардир.

— Жорий йилда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси ишлаб чиқарилади. Сизнингча, уни қайси янги нормалар билан бойитиш керак?

— Шу йилнинг бошида Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мазкур қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси ўтганлиги ва натижалар парламентда муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида мен ҳам иштирок эттиб, ўз тақлифларимни бердим. Назаримда, қонуннинг янги таҳририда ёшлар учун ёш цензини аниқ белгилаш лозим. Ёшлар деганда қандай қатламни тушунамиз? Айтилик, «Kamolot»-га 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар аъзо қилинади. Ёш цензини белгилашда шу қонди асос қилиб олинса ҳам бўлади. Балки ёшлар тоифасига ўттиз эмас, еш каттароқ, айтилик, 33 ёки 35 ёшгача шахсларни киритиш керакдир. Умуман эса, 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун бугунги кун нуктаи назаридан кўриб чиқилганда ҳам анча муқамал. Унда ёшлар ҳаётининг барча жабҳалари қамраб олинган. Мен яна мазкур қонунда ёшлар муаммоларини

ҳал этиш механизмлари кўрсатиб ўтилишини тақлиф қилган бўлардим. Бандлик, ижтимоий муҳофазатга мўҳтож ёшлар ёки ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар қонунда, албатта, ўз ифодасини топиши керак, деб ҳисоблайман.

— Юртбошимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида маънавиятни «инсон барча қарашларининг мезони» деб атаган. Сизнингча, бугунги ёшлар катта ҳаётга қандай мезонлар билан кириб келапти?

— Назаримда, замонавий ёшлар ҳаётга реал, теран кўз билан боқмоқда. Олдинги авлод вақилларига қараганда уларнинг мақсади аниқ ва бу мақсадга қандай эришишни ҳам билади. Айтилик, ўзимнинг ўн йил аввалги ҳолатим билан бугунги 18 яшар ўсирини қиёсаласам, у мендан билим, илмлашувчанлик, тиришчилик бобидан анча олдинда. Биргина мисол: ҳозир юртимизда коллеж битирувчисига тадбиркорлик билан шуғулланишга кенг имконият яратилган. Энди 18 ёшда сиз корхона очилингиз, оилангизга даромад олиб келишингиз ва ана бошқаларни ҳам иш билан таъминлашингиз мумкин. Тадбиркор бўлиш осонми? Йўқ, лекин қанчадан-қанча ўқувчи шу иш билан шуғулланипти-ку! Чунки улар бугун қаттиқ меҳнат қилиб, ўз устида ишлаша, эртага рўзғори бут, ҳаёти фаровон бўлишини билади. Билим олиш, меҳнат қилиш ва мақсадга фақат шу икки восита орқали эришиш — аксарият ёшларимиз катта ҳаётга ана шундай мезонлар асосида кириб келмоқда. Аммо оралиқда тезда бойиш, иложи бўлса қандай меҳнат қилмай, кўпроқ даромад топиш, юксакроқ маргиналарга эришиш илмингизда, бошқамандлик ва танбаллик кайфиятида юрганлар, ҳаётдаги кўп нарсани, ҳатто дўстиқ, Ватанга садоқат, меҳр-оқибат, хурмат-иззат каби туйғуларни маънавийлик нуктаи назардан, яъни фақат мол-дунё билан ўлчаб болаётганлар ёшлар ҳам йўқ эмас. Бунга беъэтибор бўлмаслигимиз керак. Чунки бора-бора ёшлардаги боки-мандаллик кайфияти жамият учун катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

— Маънавият, шубҳасиз, оилада шаклланади. Маънавиятсизлик-чи, у қаерда, қандай муҳитда пайдо бўлади?

— Маънавиятсизлик ота-она

тарбиясидаги сусткашлик оқибати, деб ўйлайман. Оилада болага эътиборсиз бўлганда, унинг ўзгалар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли ортади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола телевизор, интернет, телефон, компьютер ўйинлари ва ҳоказоларга «дўст» тўтинади. Эътиборсизлик натижасида инсон алоҳидий меъёрлардан чекина бошлади, маънавиятсизликка юз тутади. Битта фарзандим бор. Кўп кузатганман, у доимо менинг хатти-ҳаракатларимни такрорлашга интилади. Болага нима-ники ўргатманг, бир зумда илғаёт олади. Мутлолаага ўргатсангиз, китоб билан дўстлашади, соатлаб компьютер олдига ўтирибсангиз, шунга боғланади.

— Глобаллашув даврида ҳар бир халқ, аввало, миллий кадриятларини асрашга ҳаракат қилади. Худди шунинг баробарида умуминсоний кадриятларини сақлаб қолиш ҳам мўҳим. Бироқ замонавий дунёда, хусусан, «оммавий маданият» таъсирида айрим янги кадриятлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Мана шундай шароитда турли маданиятлар оқимига қоршиб кетмаслигимиз, бошқача қилиб айтганда, миллий қиёфамизни йўқотиб қўймаслигимиз учун қандай йўл тутмоқ даркор?

— «Оммавий маданият» фақат муайян бир соҳа ёки гуруҳ кишиларига таъсир кўрсатмайди. У ҳаётнинг барча жабҳаларига пинҳона ўрнашиб олади. Мураккаблиги ҳам шунда. Афсуски, «оммавий маданият» таъсири восита орқали эришиш — аксарият ёшларимиз катта ҳаётга ана шундай мезонлар асосида кириб келмоқда. Аммо оралиқда тезда бойиш, иложи бўлса қандай меҳнат қилмай, кўпроқ даромад топиш, юксакроқ маргиналарга эришиш илмингизда, бошқамандлик ва танбаллик кайфиятида юрганлар, ҳаётдаги кўп нарсани, ҳатто дўстиқ, Ватанга садоқат, меҳр-оқибат, хурмат-иззат каби туйғуларни маънавийлик нуктаи назардан, яъни фақат мол-дунё билан ўлчаб болаётганлар ёшлар ҳам йўқ эмас. Бунга беъэтибор бўлмаслигимиз керак. Чунки бора-бора ёшлардаги боки-мандаллик кайфияти жамият учун катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

— Миллийлик деганда нима тушунишимиз ҳам мўҳим-да. Бундан дўппи-белбоғда юрломаймиз. Аммо бу икки нарса миллийликимизга қанчалик дахлдор эканини ёшларга, албатта, тушутирмоқ даркор. Бошқа томондан, миллий либос кийиб олганим билан миллийликка хурматинг ошиб қолмайди. Бой тарихимиз, аждодларимиз қолдирган маънавий ва маданий мерос, миллий кадриятлар ва урф-одатларни библиш, эъзоз-



лаш, назаримда, кишида миллийликка бўлган хурматни юз чандон оширади. Замонавий қиёфада юрсак ҳам, халқ маданияти ўргатманг, бир зумда илғаёт олади. Мутлолаага ўргатсангиз, китоб билан дўстлашади, соатлаб компьютер олдига ўтирибсангиз, шунга боғланади.

— Глобаллашув даврида ҳар бир халқ, аввало, миллий кадриятларини асрашга ҳаракат қилади. Худди шунинг баробарида умуминсоний кадриятларини сақлаб қолиш ҳам мўҳим. Бироқ замонавий дунёда, хусусан, «оммавий маданият» таъсирида айрим янги кадриятлар ҳаётимизга кириб келмоқда. Мана шундай шароитда турли маданиятлар оқимига қоршиб кетмаслигимиз, бошқача қилиб айтганда, миллий қиёфамизни йўқотиб қўймаслигимиз учун қандай йўл тутмоқ даркор?

— «Оммавий маданият» фақат муайян бир соҳа ёки гуруҳ кишиларига таъсир кўрсатмайди. У ҳаётнинг барча жабҳаларига пинҳона ўрнашиб олади. Мураккаблиги ҳам шунда. Афсуски, «оммавий маданият» таъсири восита орқали эришиш — аксарият ёшларимиз катта ҳаётга ана шундай мезонлар асосида кириб келмоқда. Аммо оралиқда тезда бойиш, иложи бўлса қандай меҳнат қилмай, кўпроқ даромад топиш, юксакроқ маргиналарга эришиш илмингизда, бошқамандлик ва танбаллик кайфиятида юрганлар, ҳаётдаги кўп нарсани, ҳатто дўстиқ, Ватанга садоқат, меҳр-оқибат, хурмат-иззат каби туйғуларни маънавийлик нуктаи назардан, яъни фақат мол-дунё билан ўлчаб болаётганлар ёшлар ҳам йўқ эмас. Бунга беъэтибор бўлмаслигимиз керак. Чунки бора-бора ёшлардаги боки-мандаллик кайфияти жамият учун катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

— Маънавият, шубҳасиз, оилада шаклланади. Маънавиятсизлик-чи, у қаерда, қандай муҳитда пайдо бўлади?

— Маънавиятсизлик ота-она

улар орасидан ҳақиқий етакчиларни тарбияловчи ташкилот. Бу масалада давлатимиз, сўзсиз, «Kamolot»га таянади. Мен етакчилар ҳақида сўз очидан аввал бир савол бермоқчиман: шахсан ўзингиз етакчи, деган тушуначи қандай талқин қиласиз?

— Етакчи, биринчи ўринда, ҳар қандай ёшни ўз фикрига ишонтира олувчи шахс. Гап шахсий фикрини бировга зўрлаб ўтказишда эмас, айнан ишонтира олиш қобилиятидадир. Иккинчидан, етакчи ёшларни ўз фикри, гоёси ортидан эргаштира олиши даркор.

— Жамоа — жамиятнинг кичик модели. Унинг ўз аъзолари, ўзига яраша тартиб-қоидалари бор. Жамоанинг аҳил ва барқарор бўлиши жамоа сардори — етакчига боғлиқ. Бугун «Kamolot»га келадиган ёш етакчиларни қанчалик тушунапти ва ўз вазифасини қанчалик уқдалай оляпти?

— Ҳозирги кунда Навоий вилоятида беш юздан ортиқ бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Тан олиш керак, барча етакчиларимизни бирдай қобилиятли, фаол ва ташаббусдор деёлмайман. Аммо барибир аксарияти тасодифан етакчи бўлиб сайланган эмас. Зимматини шу вазифани олдим, дедим, озми-кўпми, салоҳияти бор.

— Юртимизда ўқув йили ниҳонсига етмоқда. Ҳадемай, юзлаб ўқувчилар касб-ҳунар коллежларини битиради. Албатта, ҳозир улар олдига турган биринчи масала мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш. Мазкур жараёнда «Kamolot»нинг иштироки қандай?

— Бу йил вилоятимизда етти мингдан ортиқ йигит-қиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларини тамомлайди. Туман ва шаҳарлардаги бандлик марказларидан мунтазам равишда бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот оляпмиз. Шулар ичидан айнан

коллеж битирувчиларига мос келувчи вакант ўринларни саралаб, таълим муассасаларидаги етакчилар орқали ўқувчиларга тақдим этапмиз. Бу билан битирувчиларнинг бандлик масаласи тўлиқ ҳал этилмади. Республика босқичида Навоийдан ўн нафар ўқувчи қатнашган бўлса, у нафарига имтиёзли кредит олиш учун ташаббус берилди. 95 нафар иштирокчидан яна ўттиз нафари банкдан кредит олиб, бизнесини йўлга қўйиш арасида туририди. Қолгани ҳам кредит ажратилган бўлган.

— Ўшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча оғриқли томонимиз ҳисобланади. Ҳозир туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар гуруҳлари» тузилган. Улар фаол ёшлардан саралаб топиб, асосий вазифасини маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этишдан иборат.

— 27 — 29 май кунлари Навоий вилоятида «Биз буёқ юрт фарзандларимиз!» ширин остидаги ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль дастурида кўзда тутилган лойиҳалар тўлақонли амалга оширилади, дея олаемиз? Унинг ўтган йилги фестивалдан фарқли жиҳатлари нимада? (Нилуфар Олимова, Навоий шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Ҳаракатнинг Чимбой тумани кенгаши раиси Айдуз Жуманиязов)

— Бу йилги ёшлар фестивали уч эмас, беш кунга мўлжалланиб, ўн бешга яқин лойиҳани ўз ичига олганди. Шунга қарамай, барча туман ва шаҳарларда дастурдан ташқари йилгирмага яқин қўшимча лойиҳалар кесимида ҳамда йўналишлар бўйича белгилаб олинди. Ўзги мавсумда болаларни спортга жалб этишни режалаштирганмиз. Яқинда Навоий шаҳрида сунъий қопламали стадион қуриб битказилди. Унда барча хоҳловчилар, хусусан, ҳам таъминланган оила фарзандлари бепул машгул олиб боришлари мумкин. Қолаверса, иккита бадминтон майдони ҳам қурилади. Қурилиш ишларини «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати аъзолари иштирокида қисқа муддатда битказишни мўлжаллапмиз. Мазкур объектлар ёз бўйи ёшлар ихтиёрида бўлади. Туман, қишлоқ ёшлари учун эса спорт тадбирлари, асосан, таълим муассасаларидаги спорт майдонларида ўтказилади. Шунингдек, мактаблар қошида, тоғли худудларда ташкил қилинувчи ёзи болалар оромгоҳларида ҳам ҳар йилгидек анъанавий лойиҳаларимиз билан қатнашамиз.

— Навоий вилоятида «Kamolot» уйлари қуриляпти-ми? (Жўрабек Бобоев, Бухоро вилояти)

— Зарафшон шаҳри, Қизилтепа ва Кармана туманларида «Kamolot» уйлари қуриляпти. Уларнинг қурилиши бошланган. Вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари билан ҳамкорликда қурилиш графиги ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Айни пайтда тураржойга мўҳтож ёшларнинг рўйхатини шакллантиряпмиз.

— Бугунги кунда Навоий вилоятининг олис худудларида «Kamolot» ва «Камалак»ка аъзо бўлмаган ёшлар бор. Уларни ҳам Ҳаракат сафига бирлаштириш учун қандай ташаббус кўрсатяпсиз? (Хайитгул Мирзаева, Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Kamolot» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси)

— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча оғриқли томонимиз ҳисобланади. Ҳозир туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар гуруҳлари» тузилган. Улар фаол ёшлардан саралаб топиб, асосий вазифасини маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этишдан иборат.

ми? (Жўрабек Бобоев, Бухоро вилояти)

— Бугунги кунда Навоий вилоятининг олис худудларида «Kamolot» ва «Камалак»ка аъзо бўлмаган ёшлар бор. Уларни ҳам Ҳаракат сафига бирлаштириш учун қандай ташаббус кўрсатяпсиз? (Хайитгул Мирзаева, Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Kamolot» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси)

— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча оғриқли томонимиз ҳисобланади. Ҳозир туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар гуруҳлари» тузилган. Улар фаол ёшлардан саралаб топиб, асосий вазифасини маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этишдан иборат.

— 27 — 29 май кунлари Навоий вилоятида «Биз буёқ юрт фарзандларимиз!» ширин остидаги ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль дастурида кўзда тутилган лойиҳалар тўлақонли амалга оширилади, дея олаемиз? Унинг ўтган йилги фестивалдан фарқли жиҳатлари нимада? (Нилуфар Олимова, Навоий шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Ҳаракатнинг Чимбой тумани кенгаши раиси Айдуз Жуманиязов)

— Бу йилги ёшлар фестивали уч эмас, беш кунга мўлжалланиб, ўн бешга яқин лойиҳани ўз ичига олганди. Шунга қарамай, барча туман ва шаҳарларда дастурдан ташқари йилгирмага яқин қўшимча лойиҳалар кесимида ҳамда йўналишлар бўйича белгилаб олинди. Ўзги мавсумда болаларни спортга жалб этишни режалаштирганмиз. Яқинда Навоий шаҳрида сунъий қопламали стадион қуриб битказилди. Унда барча хоҳловчилар, хусусан, ҳам таъминланган оила фарзандлари бепул машгул олиб боришлари мумкин. Қолаверса, иккита бадминтон майдони ҳам қурилади. Қурилиш ишларини «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати аъзолари иштирокида қисқа муддатда битказишни мўлжаллапмиз. Мазкур объектлар ёз бўйи ёшлар ихтиёрида бўлади. Туман, қишлоқ ёшлари учун эса спорт тадбирлари, асосан, таълим муассасаларидаги спорт майдонларида ўтказилади. Шунингдек, мактаблар қошида, тоғли худудларда ташкил қилинувчи ёзи болалар оромгоҳларида ҳам ҳар йилгидек анъанавий лойиҳаларимиз билан қатнашамиз.

— Навоий вилоятида «Kamolot» уйлари қуриляпти-ми? (Жўрабек Бобоев, Бухоро вилояти)

— Зарафшон шаҳри, Қизилтепа ва Кармана туманларида «Kamolot» уйлари қуриляпти. Уларнинг қурилиши бошланган. Вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари билан ҳамкорликда қурилиш графиги ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Айни пайтда тураржойга мўҳтож ёшларнинг рўйхатини шакллантиряпмиз.

— Бугунги кунда Навоий вилоятининг олис худудларида «Kamolot» ва «Камалак»ка аъзо бўлмаган ёшлар бор. Уларни ҳам Ҳаракат сафига бирлаштириш учун қандай ташаббус кўрсатяпсиз? (Хайитгул Мирзаева, Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Kamolot» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси)

— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча оғриқли томонимиз ҳисобланади. Ҳозир туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар гуруҳлари» тузилган. Улар фаол ёшлардан саралаб топиб, асосий вазифасини маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этишдан иборат.

— Бугунги кунда Навоий вилоятининг олис худудларида «Kamolot» ва «Камалак»ка аъзо бўлмаган ёшлар бор. Уларни ҳам Ҳаракат сафига бирлаштириш учун қандай ташаббус кўрсатяпсиз? (Хайитгул Мирзаева, Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Kamolot» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси)

ми? (Жўрабек Бобоев, Бухоро вилояти)

— Зарафшон шаҳри, Қизилтепа ва Кармана туманларида «Kamolot» уйлари қуриляпти. Уларнинг қурилиши бошланган. Вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари билан ҳамкорликда қурилиш графиги ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Айни пайтда тураржойга мўҳтож ёшларнинг рўйхатини шакллантиряпмиз.

— Бугунги кунда Навоий вилоятининг олис худудларида «Kamolot» ва «Камалак»ка аъзо бўлмаган ёшлар бор. Уларни ҳам Ҳаракат сафига бирлаштириш учун қандай ташаббус кўрсатяпсиз? (Хайитгул Мирзаева, Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Kamolot» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси)

— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча оғриқли томонимиз ҳисобланади. Ҳозир туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар гуруҳлари» тузилган. Улар фаол ёшлардан саралаб топиб, асосий вазифасини маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этишдан иборат.

— 27 — 29 май кунлари Навоий вилоятида «Биз буёқ юрт фарзандларимиз!» ширин остидаги ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Фестиваль дастурида кўзда тутилган лойиҳалар тўлақонли амалга оширилади, дея олаемиз? Унинг ўтган йилги фестивалдан фарқли жиҳатлари нимада? (Нилуфар Олимова, Навоий шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги Ҳаракатнинг Чимбой тумани кенгаши раиси Айдуз Жуманиязов)

— Бу йилги ёшлар фестивали уч эмас, беш кунга мўлжалланиб, ўн бешга яқин лойиҳани ўз ичига олганди. Шунга қарамай, барча туман ва шаҳарларда дастурдан ташқари йилгирмага яқин қўшимча лойиҳалар кесимида ҳамда йўналишлар бўйича белгилаб олинди. Ўзги мавсумда болаларни спортга жалб этишни режалаштирганмиз. Яқинда Навоий шаҳрида сунъий қопламали стадион қуриб битказилди. Унда барча хоҳловчилар, хусусан, ҳам таъминланган оила фарзандлари бепул машгул олиб боришлари мумкин. Қолаверса, иккита бадминтон майдони ҳам қурилади. Қурилиш ишларини «Бунёдкор» меҳнат ҳаракати аъзолари иштирокида қисқа муддатда битказишни мўлжаллапмиз. Мазкур объектлар ёз бўйи ёшлар ихтиёрида бўлади. Туман, қишлоқ ёшлари учун эса спорт тадбирлари, асосан, таълим муассасаларидаги спорт майдонларида ўтказилади. Шунингдек, мактаблар қошида, тоғли худудларда ташкил қилинувчи ёзи болалар оромгоҳларида ҳам ҳар йилгидек анъанавий лойиҳаларимиз билан қатнашамиз.

— Навоий вилоятида «Kamolot» уйлари қуриляпти-ми? (Жўрабек Бобоев, Бухоро вилояти)

— Зарафшон шаҳри, Қизилтепа ва Кармана туманларида «Kamolot» уйлари қуриляпти. Уларнинг қурилиши бошланган. Вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари билан ҳамкорликда қурилиш графиги ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Айни пайтда тураржойга мўҳтож ёшларнинг рўйхатини шакллантиряпмиз.

— Бугунги кунда Навоий вилоятининг олис худудларида «Kamolot» ва «Камалак»ка аъзо бўлмаган ёшлар бор. Уларни ҳам Ҳаракат сафига бирлаштириш учун қандай ташаббус кўрсатяпсиз? (Хайитгул Мирзаева, Зарафшон шаҳридаги 2-мактабнинг «Kamolot» ЕИХ бошланғич ташкилоти етакчиси)

— Уюшмаган ёшлар билан ишлаш бирмунча оғриқли томонимиз ҳисобланади. Ҳозир туман кенгаши қошида «Ташаббускор ёшлар гуруҳлари» тузилган. Улар фаол ёшлардан саралаб топиб, асосий вазифасини маҳаллалардаги уюшмаган ёшларни Ҳаракат лойиҳаларига жалб этишдан иборат.

ти, деб айтолмайман. Шунга қарамай, бу масалага кўпчиликнинг эътиборини жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Экология ва саломатлик йўналишида алоҳида, йирки ва кенг қамровли лойиҳаларимиз бор. Масалан, «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» лойиҳасида эллика янги навойлик йигит-қиз тренер сифатида иштирок этапти. Ҳозир улар атрофда юзлаб ёшлар бирлашган. Соғлом турмуш тарзи тарғиботчилари экология мавзусига ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда, экологик маданиятни шакллантириш бўйича тенгдошлари учун даврга суҳбатлари, мунозара ва бошқа шаклдаги тадбирларни ўтказишяпти.

— Атроф-муҳитни ободонлаштириш ишларида сардорлар қанчалик фаол? Улардан қўнглингиз тўнлапти-ми? (Зулфият Мавлонова, Бухоро вилояти сардорлар кенгаши раиси)

— Кўча-кўй, маҳалла ва хиёбонлар, қабристонларни тозалаш ва ободонлаштиришда «Камалак» сардорлари анча фаол. Барчасидан қўнглим тўнлапти деёлмайман-у, ҳарқалай, бу ёшлар фаоллиги билан

жамиятда назоратсиз қолса, қўнгли кингир йўлдан бориб, жиноят кўчасига кириши тажрибада ўз исботини топган.

— Вилоят ички ишлар идоралари назоратида турган вояга етмаганларни профилактик ҳисобдан чиқариш, уларни тўғри йўлга солиш бўйича «Kamolot» қандай чора-тадбирлар кўряпти? (Соҳида Сайфуллаева, Навбахор туманидаги «Истиқлол» саноат касб-ҳунар коллежи бошланғич ташкилот етакчиси)

— «Kamolot» ЕИХ Навбахор тумани кенгаши раиси бўлиб ишлаганимда туманимизда ўн беш нафарга яқин вояга етмаган шахс профилактик ҳисобда турарди. Уларни ҳар ойда бир маротаба ййғардик. Мақсад панд-наҳсида қилиш эмас. Бир сафар психолог иштирокидаги учрашувга тақлиф қилсак, бошқа сафар маънавий-маърифий тадбир ўтказиларди. Навоий шаҳрида ҳам шунга ўхшаш тажрибани қўлладим. Бугунги кунда шаҳарда қирқ нафарга яқин вояга етмаган профилактик ҳисобга олинган. Бир неча ой аввал уларни «Ёшлар маркази»га тўнлаб, бу ердаги тўғрақалпоқ фаолияти билан бирма-бир таништирдик. Ўттиздан зиёди

ФУТБОЛ НАФАСИ ЛАМ КЕЗАЁТИР

Футбол бўйича бу галги жаҳон чемпионатининг ўзгача жиҳатлари бор. Биринчидан, у Бразилияда ташкил этилмоқда. Бу кўп нарсани англатади. Футбол билан яшаб, футбол билан «нафас оладиган» мамлакат номи тилга олинганда, юзлаб машҳур номлар хаёлимизга келади. Ҳа, охириги марта бундан олтмиш тўрт йил олдин жаҳон чемпионатида мезбонлик қилган Бразилия, бу вақт оралиғида беш марта футбол тожини кийди (1958, 1962, 1970, 1994, 2002 йилларда). XX асрнинг энг буюк футболчисини (Пеле), шу вақтга қадар жаҳон чемпионатларининг энг яхши тўпурарини (Роналдо, 15 та гол) тарбиялаб берди. Бу юртдан Гарринча, Вава, Диди, Загало, Карлос Алберто, Тостао, Ромарио, Роберто Карлос, Кафу, Таффарел, Ривалдо, Роналдиньо, Кака каби футбол усталари етишиб чиқди.

Бразилия деганда одамлар футболни тушунадиган бўлди. Бу спорт туридан анча узоқда яшайдиганлар ҳам футбол «қирол»и кимлигини биледи. Бразилия карнаваллари, телесериаллари ёки мегаполисларини билмаслиги мумкин, бироқ кўчадаги исталган кишидан Пеле ёки Роналдо ким деб сўранг, жавоб бера олади.

Футбол бўйича жаҳон чемпионати футбол мамлакатида ташкил этиляпти. Яна бир ўзига хос жиҳати бу — чемпионат йигирманчиси! Ўтган ўн тўққиз чемпионатда бор-йўғи тўққиз терма жамоага жаҳон кубогини боши узра баланд кўтариш насиб қилган: Бразилия 5 марта, Италия 4, Германия 3, Уругвай, Аргентина 2 мартадан, Англия, Франция ва Испания 1 мартадан. Жаҳон чемпионатида бағишланган ушбу саҳифамизда шу каби қизиқарли маълумотларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЖЧ МЕЗБОНЛАРИ

Жаҳон чемпионати мезбонлиги 16 та мамлакатга насиб этган: Уругвай — 1930 йил, Италия — 1934, 1990 йиллар, Франция — 1938, 1998 йиллар, Бразилия — 1950, 2014 йиллар, Швейцария — 1954 йил, Швеция — 1958 йил, Чили — 1962 йил, Англия — 1966 йил, Мексика — 1974, 1986 йиллар, Германия — 1974, 2006 йиллар, Аргентина — 1978 йил, Испания — 1982 йил, АҚШ — 1994 йил, Япония, Жанубий Корея — 2002 йил, Жанубий Африка Республикаси — 2010 йил.

АЖОЙИБ «МЕҲМОНДУСТЛИК»

Уругвай, Италия, Англия, Германия, Аргентина ҳамда Франция терма жамоалари ўз мамлакатларида бўлиб ўтган чемпионатларда голиб чиққан. Яъни Уругвай 1930, Италия 1934, Англия 1966, Германия 1974, Аргентина 1978 ва Франция 1998 йилларда ўтказилган жаҳон чемпионатларида меҳмонларга ҳеч қандай имконият қолдирмаган. Ташкилотчилик, мухлислар ва жамоаларга яратилган имкониятлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, бироқ майдонда мезбонлар ҳеч кимга «манзират» қилиб ўтирмаган.

Мана буни ажойиб «меҳмондўстлик» деса бўлади!

Қизиғи шундаки, Бразилиядек терма жамоага ўз майдонидаги мундиалда олтин медаллар насиб қилмаган. 1950 йил 199854 томошабин кўз ўнгида майдон эгалари уругвайликларга 1:2 ҳисобида ютқазиб, чемпионликни бой берган.

МЕРГАНЛАР КЛУБИ

Битта чемпионатда энг кўп гол урган футболчи франция-



лик Жюст Фонтен ҳисобланади. У 1958 йилги мундиалда рақиблар дарвозасини 13 бор ишғол этган.

Жаҳон чемпионатида гол уриш бўйича рекордчи эса, бразилиялик Луис Роналдо-дир. «Эл-феномено» (туғма истеъдод эгаси) дея таъриф этилган ҳужумчининг ҳисобида 15 та гол бор. Германия терма жамоаси вакиллари Герд Мюллер ва Мирослав Клозе 14 тадан тўп кирит-

ган (Клозе голлари миқдори ни ошириш имкониятига эга). Фонтен 13 та, Пеле 12 та гол билан кейинги ўринларда.

Энди эътиборингизга 20-жаҳон чемпионати билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни тақдим этамиз.

ЎЗИ БЕБАҲО, ЛЕКИН...

Жаҳон чемпионатида қатнашадиган футболчилар орасида энг қимматбаҳоси (бу сўзга ажабланманг, бугун ҳар бир футболчининг ўз қиймати бор) Аргентина терма жамоаси вакили Лионел Месси ҳисобланмоқда. 24 июнда 27 ёшга тўладиган Месси, аслида бебаҳо уйинчи бўлса-да, Халқаро спорт тадқиқотлари маркази ҳисоб-китобига кўра, 200-232 миллион евро туради. Бу жаҳон чемпионатида иштирок этадиган кўпгина терма жамоалардан ҳам қимматроқ дегани. Мисол учун, қимматбаҳо терма жамоалар рейтингига ўйинчи ўринда турган Колумбиянинг нархи 223,4 миллион евро. (Бу терма жамоа аслида қимматроққа баҳоланади, афсуски, унинг таркибига «Атлетико»дан «Монако»га 60 миллион еврога трансфер қилинган Радамел Фалкао йўқ, у жароҳати туфайли нуфузли мусобақада қатнаша олмайди).

ЭНГ БЎЙДОР ФУТБОЛЧИЛАР

Жанубий Корея терма жамоаси дарвозабони Ли Бум Юн чемпионатга «заявка» қилинган футболчилар орасида энг дарозидир. Унинг бўйи 1 метру 99 сантиметр. Жамоаларнинг ўртача бўйлари ҳисобланганда эса германиялик футболчиларнинг энг узун бўйли эканликлари маълум бўлди. Уларнинг ўртача бўйи 184,6 сантиметр. Босния ва Герцеговина терма жамоасининг ўртача бўйи 184,56, белгиялик футболчиларники эса 184,26 сантиметр.

«БОБО ВА НЕВАРАЛАР» БИТТА МАЙДОНДА

Колумбия терма жамоаси дарвозабони Фарид Мондрагонни 1990-йиллардан бери футбол томоша қилиб келаётган катта ёшли мухлислар яхши танишади. У бир неча жаҳон чемпионатида иштирок этган, ҳу, Карлос Валдеррама-лар билан бирга ўйнаган. Бу бахтиёр футболчи Колумбия терма жамоаси бош мураббийи Хосе Пекерманнинг ҳам эътиборини тортди. Жаҳон чемпионатида борадиганлар рўйхатидан жой олди. Уни мураббийлар асосий таркибда майдонга туширсалар, жаҳон чемпионатида ўйнаган энг кекса футболчига айланади. Чунки Мондрагон 1971 йилда таваллуд топган, 43 ёшда. Бу ёшда ўйнаш эса ҳеч кимга насиб этмаган.

Камерун терма жамоаси ҳужумчиси Фабрис Олинга эса, аксинча, чемпионатда иштирок этувчи энг ёш футболчидир. У 1996 йилда туғилган. Насиб қилиб, мабодо ушбу икки футболчи бир-бирига қарши тўп суриб қолса, бу ўзига хос воқеа бўлади.

Қисқаси, бизни бир ойдан зиёдроқ вақт мобайнида бир-биридан ажойиб, қизиқарли воқеликлар кутмоқда.

Келинг, жаҳон чемпионати-ни бирга кузатиб борамиз.

20-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ТАҚВИМИ

«А» гуруҳи
Бразилия, Камерун, Мексика, Хорватия.
«В» гуруҳи
Австралия, Нидерландия, Испания, Чили.
«С» гуруҳи
Греция, Колумбия, Кот-д'Ивуар, Япония.
«Д» гуруҳи
Англия, Италия, Коста-Рика, Уругвай.
«Е» гуруҳи
Швейцария, Эквадор, Гондурас, Франция.
«Ф» гуруҳи
Аргентина, Нигерия, Босния ва Герцеговина, Эрон.
«Г» гуруҳи
Германия, Португалия, АҚШ, Гана.
«Н» гуруҳи
Белгия, Жазоир, Россия, Жанубий Корея.

13 ИЮН

A 01:00 Бразилия -:- Хорватия
A 21:00 Мексика -:- Камерун

14 ИЮН

B 01:00 Испания -:- Нидерландия
B 03:00 Чили -:- Австралия
C 21:00 Колумбия -:- Греция

15 ИЮН

D 00:00 Уругвай -:- Коста-Рика
C 06:00 Кот-д'Ивуар -:- Япония
D 03:00 Англия -:- Италия
E 21:00 Швейцария -:- Эквадор

16 ИЮН

E 00:00 Франция -:- Гондурас
F 03:00 Аргентина -:- Босния ва Герцеговина
G 21:00 Германия -:- Португалия

17 ИЮН

F 00:00 Эрон -:- Нигерия
G 03:00 Гана -:- АҚШ
H 21:00 Белгия -:- Жазоир

18 ИЮН

H 03:00 Россия -:- Жанубий Корея

2-ТУР

18 ИЮН

A 00:00 Бразилия -:- Мексика
B 21:00 Австралия -:- Нидерландия

19 ИЮН

B 00:00 Испания -:- Чили
A 03:00 Камерун -:- Хорватия
C 21:00 Колумбия -:- Кот-д'Ивуар

20 ИЮН

D 00:00 Уругвай -:- Англия
C 03:00 Япония -:- Греция
D 21:00 Италия -:- Коста-Рика

21 ИЮН

E 00:00 Швейцария -:- Франция
E 03:00 Гондурас -:- Эквадор
F 21:00 Аргентина -:- Эрон

22 ИЮН

G 00:00 Германия -:- Гана
F 03:00 Нигерия -:- Босния ва Герцеговина
H 21:00 Белгия -:- Россия

23 ИЮН

H 00:00 Жанубий Корея -:- Жазоир
G 03:00 АҚШ -:- Португалия

3-ТУР

23 ИЮН

B 21:00 Австралия -:- Испания
B 21:00 Нидерландия -:- Чили

24 ИЮН

A 01:00 Камерун -:- Бразилия
A 01:00 Хорватия -:- Мексика
D 21:00 Коста-Рика -:- Англия
D 21:00 Италия -:- Уругвай

25 ИЮН

C 01:00 Греция -:- Кот-д'Ивуар
C 01:00 Япония -:- Колумбия
F 21:00 Босния ва Герцеговина -:- Эрон
F 21:00 Нигерия -:- Аргентина

26 ИЮН

E 01:00 Эквадор -:- Франция
E 01:00 Гондурас -:- Швейцария
G 21:00 АҚШ -:- Германия
G 21:00 Португалия -:- Гана

27 ИЮН

H 01:00 Жанубий Корея -:- Белгия
H 01:00 Жазоир -:- Россия

■ Ta'lim taraqqiyoti ■

ЎҚИТИШДА ЯНГИ МЕТОДЛАР

Пойтахтимиздаги Турин политехника университетида Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси томонидан Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида анъанавий «Республика инглиз тили ўқитувчилари конференцияси» ташкил этилди.

Унда юртимизнинг турли вилоятларидан узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фаолият олиб борадиган уч юздан ортиқ инглиз тили ўқитувчиси, соҳа мутахассислари, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш марказлари ва-

киллари ҳамда хорижлик экспертлар иштирок этди.

— Ўзбекистонда бундай анжуманнинг ташкил этилиши чет тилларини ўқитиш тизимининг янада такомиллаштирилаётганидан далолатдир. Бу ерга йиғилган ўқитувчилар

билан тажриба алмашиш мен учун ҳам ўзгача бир мактаб бўлди, — дейди инглиз тили мутахассиси Бёрн Брюертон.

Анжуманда саксонга яқин тақдимот ва маърузалар ўрин олган бўлиб, у инглиз тили ўқитувчиларига ўз ҳамкасблари, шунингдек, хорижлик мутахассислар билан тажриба алмашиш ва касбий жиҳатдан юксалиш имконини берди.

— Бу йилги анжуманда инновацион методларга таяниб дарс олиб бориш жараёнини ташкил этишга катта эътибор қаратилди, — дейди конференция иштирокчиси Мирзохид Қориев. — Мултимедиа

дарслари, коммуникатив ўқитиш услублари ҳақида гап кетганда улкан манба бўла оладиган интернет ресурсларидан фойдаланиш жуда муҳим. Конференция давомида анча малакага эга бўлдим.

Анжуман доирасида Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмасининг ўтаётган йил давомида амалга оширган ишлари, хусусан, ўрта-махсус таълим муассасалари ўқувчилари учун уюшма мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган янги дарсликлар тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Парвина ОМОНОВА

■ Yosh aviamodelchilar tanlovi ■

ЯНГИ ПАРВОЗЛАР

Авиасозлик — инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири. Вақт сарҳадларини яшиндек кечиб, ҳавода парвоз қилиш, айна шу кашфиётгача тасаввурга сизгайдиган воқелик ҳисобланган. Бугунги ривожланган асримизда авиасозлик соҳаси ўзининг юксак чўққиларини эгалламоқда.

Мамлакатимизда ҳам бу борада сезиларли ютуқлар қўлга киритилган. Юртимиз ёшларига мазкур соҳага оид билимлар ўспиринлик ёшидан бериб борилиши миллий авиасозликка қаратилаётган эътиборнинг ёрқин мисоли. Республика миқёсида ўтказилаётган қатор анъанавий мусобақалар фикримизнинг далили бўла олади.

Ана шундай интилувчан ёшларнинг навбатдаги — «Катапультта ёрдамида учувчи самолёт моделлари» мусобақаси пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида бўлиб ўтди. Мусобақага барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган иштирокчилар «Уچار қанот» русумидаги катапультта ёрдамида учадиган самолёт моделлари, қоғоздан ясалган «Ҳажмли» (Фуқаро ва ҳарбий) самолёт моделлари, «Қоғоздан ясалган турли хил самолёт моделларининг кўргазмали нусхаси» турлари бўйича куч синашди.

— «Баркамол авлод» техник ижодиёт маркази ташаббуси билан ўтказиладиган ушбу мусобақа ўқувчи-ёшларнинг авиасозликка оид билимларини ошириш, ишти-

рокчилар ўртасида тажриба алмашинувини таъминлаш, қолаверса, уларни келгусида соҳа мутахассиси бўлиб етишишига хизмат қилади, — дейди «Баркамол авлод» республика болалар техник ижодиёт маркази директор ўринбосари Лола Тўхтаева.

Уч турдан иборат мусобақада ёш авиамоделчилар ўзларининг бор иқтидорларини намойиш қилишди.

— Мен 2011 йилдан буён мана шундай мусобақаларда Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилиб келаман. Устозим Айдар Бешировнинг соҳа сирларини астойдил ўргатиши, кўпдан-кўп беллашувларда ғалаба қозонишимга кўмак берди. Ташкилотчиларга ҳам алоҳида миннатдорчилик билдираман. Бу беллашувда «Катапультта бўйича авиамодел» билан иштирок этаяпман, — дейди 2011 йилда «Ракета модели» бўйича республика биринчилигида ғолибликни қўлга киритган Шамсиддин Бобоев.

Қизгин баҳсларга бой бўлган беллашув якунига кўра, «Кўргазмали самолёт нусхаси йўналиши бўйича» биринчи ўринни Самар-

қанд шаҳридаги 1-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Амет Абдурашидов қўлга киритди. Нукуслик Дилноза Караматдинова иккинчи ўринни банд этган бўлса, учинчи ўрин Фарғона вилояти вакили Шоҳрухбек Турсунбоевга насиб этди.

«Уچار қанот» русумидаги катапультта ёрдамида учадиган самолёт моделлари йўналишидаги баҳслар ҳам анча муросасиз кечди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин Бухоро вилояти Фиждувон туманидаги 57-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Равшан Нурмуродовга насиб этди. Самарқандлик Азамат Шарипов иккинчи ўринни қўлга киритди. Қашқадарё вилояти вакили Байрамали Дуланов эса учинчи ўринни эгаллади.

Барчанинг диққат марказида бўлган «Ҳажмли» (Фуқаро ва ҳарбий) самолёт моделлари йўналишидаги беллашувлар ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Биринчи ўринни Самарқанд шаҳридан келган 6-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Муроджон Рисаевга қўлга киритган бўлса, иккинчи ўринни банд қилган жиззахлик Жавоҳир Валиев ҳам мусобақа жараёнида ҳакамлар эътиборига тушди. Учинчи ўрин бухоролик Бехрўз Бафоевга тегишли бўлди.

Жамоалар бўйича Самарқанд вилояти биринчи, Бухоро вилояти иккинчи ва Тошкент шаҳри учинчи ўринларни эгаллади.

Ғолиблар, фаол иштирокчилар ва жонкуяр мураббийларга мусобақа мутасаддилари томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Алибек ОМОНТУРДИЕВ,
«Turkiston» муҳбири

■ Menga so'z bering ■

АЁЛ — НАФАҚАТ ОНА...

Тарихга назар ташласак, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат орқали ҳам намоён бўлганини кўрамиз. Ҳар бир халқнинг фаровон ва тўқин ҳаёт кечиришида, юксак тараққиётга эришишида хотин-қизларнинг мавқеи ва салоҳияти муҳим ўрин тутуди.

Хуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири — қонун устуворлиги, фуқаролар хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг мустақкам фаолатлари яратилганлигидир. Бунда, айниқса, аёлларнинг меҳнат соҳасидаги хуқуқ ва манфаатлари ҳимояси алоҳида ўрин тутуди.

Миллий қонунчилигимизда аёллар учун меҳнат

қилиш соҳасида бир қатор хуқуқ, эркинлик ва имтиёзлар белгиланганлиги яққол кўриниб турибди. Бу ҳол, аввало, қонунчилигимизнинг инсонпарварлик ҳамда адолатпарварлик тамойиллари асосида шаклланганлигидан далолатдир. Иккинчидан, давлатнинг аёллар хусусида ғамхўрлиги ва муруввати ифода этилмоқда. Қолаверса, бунда жамиятнинг одиллиги ва муайян хуқуқий маданият даражаси намоён бўлмоқда. Зеро, аёл оиланинг буюк мураббийси ҳисобланиб, жамият ҳаётининг устуни, давомчисидир. Аёлларга ҳурмат, ғамхўрлик ва эҳтиром жамиятнинг бугуни ҳамда эртанги кунининг ривожланиши кафолатидир.

Ислом ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Миллий университети
хуқуқшунослик факультети талабаси



111 ёшида вафот этди

Жаҳондаги энг ёши улуғ эркак сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олган Александр Имич 111 ёшида Нью-Йоркда вафот этди.

У 1903 йил 4 февралда Полшада туғилган. Имич кимёгар ва парапсихология бўйича китоблар муаллифи эди. Ўзбекистонда ҳам маълум муддат бўлган, 1951 йили эса АҚШга кўчиб кетган Александр бобо спорт билан шуғуллангани, алкоголь маҳсулотларидан узоқ бўлгани, товуқ, балиқ гўштини мунтазам истеъмол қилганини алоҳида таъкидлаган эди. Имич, 111 ёшда бўлса-да, дунёдаги энг ёши улуғ одам эмасди. Негаки, ундан-да кексароқ олтмишдан ортиқ аёл бор.

Эндиликда япониялик Сакари Момои жаҳондаги энг кекса бобога айланди. У Имичдан атиги бир ойлик кичкина.

Сув балосидан асрасин...

Бразилиянинг Парана штатидаги сув тошқинлари натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди.

Ҳукуматнинг маълум қилишича, сув тошқинлари натижасида штатнинг марказий қисмида истиқомат қилувчи 48 минг киши жабрланди. Штат пойтахти Куритибада ҳам кучли ёғингарчилик кузатилса-да, бироқ шаҳарда жиддий талафотлар рўй бермаган. Штат губернатори Бето Ричанинг сўзларига қараганда, табиий офат натижасида етмишта муниципалитет зарар кўрган. Ҳукумат ушбу ҳудудларда фавулодда ҳолат эълон қилиши ҳақида баёнот берди. Синоптиклар эса ёмғир фақат душанба кунини тўхташи мумкинлигини башорат қилган.

Эслатиб ўтамай, Куритиба — футбол бўйича жаҳон чемпионати учрашувларига мезбонлик қилади. Шаҳардаги «Арена Байшада» стадионида 16 июн кунини Нигерия – Эрон, 23 июн кунини Испания – Австралия, 26 июн кунини эса Россия – Жазоир ўйинлари бўлиб ўтади.

27 киши чўкиб кетди

Ҳиндистон шимолидаги Уттар-Прадеш штатида Ганга дарёсига бағишланган диний фестивал вақтида 27 киши чўкиб кетди.

Ганга шарафига ўтказиладиган байрам ҳар йили «маъбуда» ерга тушиб дарёга айланган кун дея нишонланади. Одатда мамлакатда бу байрам ўн кун давом этади. Полиция маълумотларига кўра, байрам вақти 39 киши чўккан. Бироқ уч нафари қутқарилган, тўққизтаси бедарак йўқолган. Ҳукумат ҳалок бўлганлар оиласига таъзия билдирди.

Яна бир янгилик

Жорий йилнинг учинчи чорагида «Samsung» ўзининг «Galaxy S5» флагман смартфонини таркибий қисмлар буюртмаси ҳажмини кескин қисқартирди.

Иккинчи чорақда 21 миллионга «Galaxy S5» чиқармоқчи бўлса, учинчи чорақда бу кўрсаткич 15 мингга камайишини маълум қилди. Бунга яқинда чиқариладиган «iPhone 6» смартфонининг ҳам таъсири бўлишини башорат қилди. Шунингдек, корпорациянинг ўзи яқинда чиқармоқчи бўлган «Galaxy S5 Prime», «Galaxy Alpha», «Galaxy F» смартфонлари ҳам таъсир ўтказиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Интернет манбалари асосида
Камола ЎТАЕВА тайёрлади

МАЙИН ИПАКДАН НОЁБ ЗИРАВОРЛАРГАЧА

Бухоро вилояти ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ҳудудий бошқармаси, «Хунарманд» ижодий уюшмаси, «Олтин мерос» халқаро жамғармаси ва қатор нодавлат ноижорат ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилган «Ипак ва зираворлар» XIII анъанавий фестивалида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, қўшни давлатлардан келган хунармандлар, сайёҳлик фирмалари вакиллари, сайёҳлар қатнашди.

Фестивалнинг очилиш маросими Бухоронинг энг машҳур ёдгорлиги — Лабиҳовуз меъморий мажмуасидаги Нодирдевонбеги мадрасасида бўлиб ўтди.

Уч кун давомида Лабиҳовуздан Арк қўрғонигача бўлган ҳудуд кўчма павильонлар билан безанди. Юздан ортиқ савдо пештахталарида чуствлик пичоқчилар, риштонлик кулоллар, марғилонлик атлас ва адрас тўқувчилар, бухоролик зардўзу кандакорлар, сурхондарёлик каштадўзлар, хорижлик дизайнер-чеварлар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ургут, Шаҳрисабз, водийлик тadbиркорлар йигирмадан ортиқ зиравор ва шифобахш ўтларнинг эллика яқин турини тортиқ қилишди.

Байрамга келган меҳмонлар эски шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилишди. Чавандозлар, дорбоз ва масҳарабозлар, полвонлар, мусиқали драма ва кўғирчоқ театрлари актёрлари, фольклор-этнографик жамоаларнинг қизиқарли томошала-

ри, карнай-сурнай садолари барчага хуш кайфият бағишладди. Сарисийонинг «Дашнобод анори», Булунғурнинг «Човқи» халқ фольклор-этнографик ансамбллари, Бухоро вилоят кўғирчоқ театри жамоаси, «Нозанин», «Моҳи Ситора», Когон туманининг «Қасри Орифон» ва бошқа санъат дасталари ижросидаги рақс ва кўшиқлар фестивалнинг чинакам байрамона ва унутилмас бўлишига ҳисса қўшди.

«Тоқи Саррафон», «Тоқи Телпақфурушон», «Тоқи Заргарон» савдо марказлари, «Пойи Калон» мажмуаси ҳамда «Абдуллахон тими» карвонсаройида ташкил этилган савдо кўрғазмаларида ўз маҳсулотлари, хунармандчилик ва санъат асарларини намойиш этган адрас ва гилам тўқувчилар, каштадўз ва зардўз, заргар, кандакор ва миниатюрчи расомлар, доривор ўсимлик ва зиравор сотувчи баққоллар атрофи томошабину харидорлар билан гавжум бўлди. Кўплаб хорижий сайёҳлар фес-

тивалдан эсдалик сифатида халқ амалий санъати намуналарини харид қилишди. Фестивалда иштирок этиш учун Германия, Франция, АҚШ, Англия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатлардан келган меҳмонлар юртимизда нафақат миллий хунармандчилик, балки туризм ҳам юксак даражада ривожланаётганини таъкидлашди. Биз айримлари билан бевосита суҳбатлашдик.

Жефф Тоствил, Австралия:

— Бухорога ўн саккиз йил олдин келгандим. Шаҳарнинг бугунги кийёфасини кўриб, ҳайратда қолдим. Ҳар сафар ўзбекиона лутф ва эҳтиром, меҳмондўстликдан кўнглим кўтарилди. Бу халқингизнинг энг катта бойлиги! Буюк Ипак йўлидан қатнаган туялар бўйнидаги кўнғирокларни бухоролик усталар ясаганини эшитганман. Бугун кўнғироклардан бирини эсдалик учун сотиб олдим. Унинг жарангида қадим гўшанинг ўтмиши, бугуни ва келажаги мужассамдек, гўё.

Стивсери Жиссерент, Франция:

— «Ипак ва зираворлар» фестивалининг юқори савияда ташкил этилгани-ю, павильонларнинг турфа савдо маҳсулотлари билан тўлганлиги киши эътиборини тортади. Инсон қўли ва қалб кўри билан яратилган бетакрор хунармандчилик намуналарига гап йўқ. Жуда хурсандман. Ўзбекистон тинч ва осуда диёр. Шу билан бирга мўъжизалар олами ҳамдир.

Меҳмонлар марғилонлик



адрас устаси Муҳаммадзоҳир Тошпўлатов, ипак матолардан замонавий шарфлар тўқийдиган самарқандлик Маҳмуд Ҳожиёв, хивалик дўппидўз Моҳлар Қиличева, қашқадарёлик кандакор уста Мўмин Шерматов каби қўли гул хунармандларнинг маҳоратига тасаннолар айтишди. Шунингдек, фестивалга элликдан ортиқ турдаги зираворларни олиб келган самарқандлик Абдунаби Камолов, ургутлик Баҳриддин Ғафоров, тошкентлик Тошмўмин Соҳибалиевнинг шифобахш ўсимликлари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Фестивал доирасида ўтказилган «Палов сайли» кўрик-танловида моҳир ошпазлар ўзаро беллашди. Нодирдевонбеги мадрасасида

ўтказилган ёш дизайнерлар кўрғазмасида Нафиса Аҳмедова «Анор», Меҳринисо Сатторова «Камалак жилоси» дея номланган миллий либослар тўпламларини меҳмонлар эътиборига тақдим қилишди. Арк қўрғонига ташкиллаштирилган миллий ўйинлар мусобақасида кўчкор ва хўроз уриштириш томошалари кўрсатилди. Олотлик кўчкорбоз Акбар Саидметов, пешкулик хўрозбоз Жўрабек Изомов «Энг яхши миллий ўйинлар тағриботчиси» деб топилди.

Фестивал доирасидаги кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашган хунармандлар турли йўналишларда тақдирланди.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

			Қулов овир					... — элга ярашар				
Суяк ёғи		Дуодок, ирин	Турар жой манзили	Милтиқ кувури		Ингичка кувур, найча	Ҳеч қачон, зинҳор	Соч- боничи, тасма	Сув шимган		Касал- хона	Олифта
				Одис сайёра				Ҳа (хоразмча)	Опа- сингил эрлари		«Жиноят ва ...» (Достоев- ский асари)	
Эвара (сино- ним)	Узум сўриси		Эман, дарахт тури			Юз (русча)		... — мунча				
			Исти- роҳат боғи	Ип ўрами						Нома, мактуб		
Гина, кудурат	Арияли қўшиқ					Ойи (шевада)	Вулқон Япония					
				Афри- кадаги давлат	Эски пахта	Одиссей ороли	Бичим, қолип, фасон		Патир, ғижда			
Она- нинг акаси	... Саид- жонов (хофиз)	Кўп қаватли уй «так- сий»	Балиқ уруғи				Буви (шевада)			Оралик, марказ		
				Гео- метриқ кесма				Ола, йўл- йўл	Ортнинг акси		Ором, дам олмоқ	
	Айёр ҳайвон	Бўғма илон тури			Қора- мол озуқаси	«Экс- порт» акси						
			Факултет раҳбари					Бирлик саноқ сон				
	Ўғил бола исми	Термин					Бўйин орқаси, «зимма»					

Тузувчи: Фаҳриддин Раҳимов

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги навбатдаги учрашув **2014 йилнинг 17 июн** куни «Камолот» ЁИХ Самарқанд вилояти кенгаши расиси **Фаррух Камолов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+99871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Ўз позициянгизни намойиш этишга шошилинг.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Мамлакатимизда йўлга қўйилган уч босқичли спорт ўйинлари илк бор кимлар ўртасида ташкил этилган ва қаерда ўтказилган?

Жавобингизни **13 июн** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнғирок қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: **Қуёш соати.** Тўғри жавобни биринчи бўлиб Қашқадарё вилоятидан Жавлонбек Вафоев йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Мукамаллик инсоннинг ўзидаги номукамалликни англамоғи демакдир.

Августин Аврелий